

**“ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ – ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ИҚTISODИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ СТРАТЕГИК РЕСУРСИ”****Окюлов Хасан Оманбаевич***Тошкент давлат иқтисодий университетини**“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йилнинг 24 февраль куни Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувдаги маърузасида: «Юртимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучдир», — дея алоҳида таъкидлаб ўтди. Давлат раҳбари томонидан бугунги кунда ёш тадбиркорлар мамлакатимиздаги жами бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этаётганлиги ва Ўзбекистон «Ёшлар тараққиёти глобал индекси»да энг тез суръатларда ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилгани тасодифий эмаслиги қайд этилди. Ушбу сиёсий концепция Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган институционал ислохотлар доирасида ёшлар бандлиги ва иқтисодий фаоллигини таъминлаш нафақат иқтисодий, балки сиёсий тизим барқарорлигининг устувор омили эканлигини кўрсатади.

Жамиятни сиёсий модернизациялаш ва демократлаштириш шароитида ҳар йили 600 мингдан зиёд ёш авлоднинг меҳнат бозорига кириб келиши давлат бошқаруви ва ижтимоий сиёсат зиммасига янги стратегик вазифаларни юклайди. Давлат томонидан инновацион стартапларни инвестициялаш ва «Ёшлар бизнеси» дастурлари орқали имтиёзли молиялаштириш пакетларининг жорий этилиши жамиятда янги мулкдорлар қатламини шакллантириш ҳамда сиёсий барқарорликни таъминлаш механизми бўлиб хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, 2026 йилги сиёсий дастурлар ва концептуал маърузаларда белгиланган устувор вазифалар ижроси, ёшлар тадбиркорлиги муҳимдир.

Президентимиз ёшлар келажагимиз деб доимо таъкидлаб келади ва бунда ҳар доим ёшлар тадбиркорлигини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор беради. 2021 йил 30 июнда Ўзбекистон ёшлари форумида қилган маърузасида ёшлар тадбиркорлиги ҳам сифат ҳам миқдор жиҳатдани ўсиб бораётганини таъкидлаб, Президентимиз сўнги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб улар 500 миндан ошгани бунинг яққол далилидир деб кўрсатди. Хорижий инвестициялар иштирокида замонавий корхоналар барпо этиб кўплаб иш ўринларини яратаётган, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Албатта бундай ўғил қизларимиз замонамизнинг ёш қаҳрамонларидир. Уларнинг дастлабки,

аммо умидбахш ютуқлари хақида оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар, мақола ва суҳбатлар ташкил этиб амалга ошираётган ибратли ишларини кенг жамоатчилик айниқса тенгдошлари ўртасида тарғиб этиш айна мудао бўлади деб уқдирди у.⁶³

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш ва риаожлантириш учун Президентимиз томонидан қатор фармонлар чиқарилди. Шу жумладан, 2021 йил 21 апрелда ПФ 6208-сонли “Ёшларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди.

2021 йил 13 июлда унинг мантиқий давоми сифатида ПФ 6260-сонли “Ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий фаоллигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқарилди. Ушбу фармонлар амалиётга жорий этилиши ёшлар тадбиркорлигини иқтисодий ривожланишда муҳим омил бўлишига олиб келди.

Ўрта мулкдорлар қатламида ёш мулкдор тадбиркорлар сегменти шаклланди ва муҳим ўрин эгалламоқда. Агар ёш тадбиркор-мулкдорлар ижтимоий портретини, чизгиларини шакллантирадиган бўлсак, биринчи галда уларда ёшларга хос шижоат, жўшқинлик, қатъият, дадиллик, креатив ёндашув асосида янгиликка ўчлик, янги ғоялар, илғор усуллар, технологияларни бирданига англаб етиш ва қабул қилиш хислатларини қайд этиш лозим. Ўрта авлодга нисбатан олганда ёш авлод тадбиркорлари таваккалчилик даражаси юқорилиги, таваккалчилик хавф-хатарларини мутлақлаштирмаслик ва уларни одатдаги ҳолат сифатида қабул қилишга мойиллик якқол намоён бўлади. Бу ўринда Уинстон Черчилнинг “Ёшлигида радикал, қариганда консерватор бўлмаган одам қўй мижоздир” деган гапини эсламасдан илож йўқ.

Мамлакатимизда ўрта мулкдорлар қатлами иқтисодий тизимда энг фаол бунёдкор ишлаб чиқарувчи куч ва фуқаролик жамиятида жамиятни барқарор ривожланишидан манфаатдор ва бу борада муайян саъйи ҳаракатларни амалга оширувчи ижтимоий қатлам сифатида намоён бўлади. Айна пайтда шуни таъкидлаш ўринлики, ўрта мулкдор қатлами ҳам сўнгги вақтларда ўз таркиби бўйича муайян сифат ўзгаришларига учраб бормоқда. Бундай сифат ўзгаришлар динамикасини ўрганиш ўрта мулкдорлар қатламини иқтисодий тизимда ҳам, фуқаролик жамиятида ҳам манфаатларини англаб етиш ва бу борада ўзини-ўзи шакллантириш орқали ушбу манфаатларни турли усул, воситалар билан амалга ошириш ва ҳимоя қилиш шакллари, мазмунига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ўрта мулкдорлар қатлами таркибидаги сифат ўзгаришлари

^[63]<https://president.uz/oz/lists/view/4461>

биринчи галда ёш тадбиркорлар ва мулкдорлар қатламини кўпайиб ва кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Албатта ижтимоий ҳаётда ҳар доим ёшлар ўз дунёқараши, кадриятлари, фаоллиги билан ўзига хос ажралиб туришга интилиши маълум. Бадиий адабиётлардаги оталар ва болалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, конфликтлар, баъзан муросасиз зиддиятлар даражасида кўтарилган бўлса ҳам, буни муайян даражада бадиий муболаға сифатида қабул қилиш лозим. Бироқ бунга эътиборсизлик билан ҳам қараш мумкин эмас, ҳар ҳолда шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди қабилдаги мақолларда ҳам жон бор. Шу нуқтаи-назарда олганда ёш тадбиркор-мулкдорлар сегментини шаклланиш жараёни, мулкдор ва тадбиркор сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ижтимоий макон иштирокчиси сифатидаги мавқеъи ҳам динамик жиҳатдан, ҳам статитик жиҳатдан тадқиқ этилиши талаб этилади.

Ёш мулкдор тадбиркорларнинг статик ҳолати уларни мулкдор, тадбиркор сифатидаги мавқеъи билан узвий боғлиқ. Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга кўра, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун кенг кўламдаги мақсадли кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилди. Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури лойиҳасида ажратиладиган кредитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 октябрдаги ПҚ 4862-сонли Қарори асосида касб ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини мувофақиятли тамомлаб, уларнинг махсус серфикатларини олган ёшларга ажратилиши белгилаб қўйилди, бунда жисмоний шахслар учун таъминот талаб этилмаслиги назарда тутилди. Кредитлар ягона электрон онлайн платформа орқали тўлиқ рақамлашган ҳолда расмийлаштирилиши белгиланди. Бу эса инсон омилини салбий кўринишларини мутлақо истисно этади.

Унда мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади деб кўрсатилди.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунарлар, ИТ-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилди.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилди.

Ёшлар бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш ва бизнес юритишда хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларини ўргатиш;

тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ёшлар бизнес мактаби фаолиятини ташкил этилди.

2021 йилдан бошлаб ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап ғоялари танловларини ташкил этиш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда камида уч нафардан ғолибга грантлар бериш амалиёти жорий этилди.

Стартап ғоялари танловларини очик ва ошкора ташкил этиш, лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш тартибини жорий этилди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари стартап ғояларнинг амалга оширилишига кўмаклашиши белгилаб қўйилди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки АЖга ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш вазифаси юклатилди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖга ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш вазифаларни амалга ошириш учун 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдорида 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш борасида амалга ошираётган сиёсати хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг нафар хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия

ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси – 400 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада 6 минг 200 нафар аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 миллиард сўм субсидия ажратилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жойларда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида “Аёллар дафтари” бўйича 1 триллион 234 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 994 минг нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилган.

Бу вазифаларни бажаришда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Касаба Уюшмалари Федерацияси ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг иштироки кучайиб бораётгани айниқса муҳимдир. Улар томонидан “хонадонбай” ўрганишлар натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож 690 мингдан зиёд оилага манзилли ёрдам кўрсатилгани, 116 мингга нотинч оилада муҳит соғломлаштирилган.⁶⁴

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорликни хусусан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида мақсадли, тизимли тадбирларни ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини яратиш бермоқда. Бу борада қабул қилинган барча қонунлар, қарорлар, фармон ва фармойишлар мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйверларидан бири сифатида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим тизимидаги ислохотлар, хорижий тилларни ўрганиш, касб-хунарга йўналтириш, оилавий тадбиркорлик, венчур фондлари, start up лойиҳалар, бизнес инкубаторлар, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш бўйича давлат хусусий шерикчилигини механизмлари, солиқ имтиёзлари каби кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий тизимда ёш тадбиркор мулкдорлар фаолиятининг ривожланиши ўз навбатида ижтимоий тизимда, фуқаролик жамиятида ҳам уларни алоҳида қатлам сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бошқача айтганда миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига айланади. Ёш тадбиркор мулкдорлар фуқаролик жамияти сиёсий тизимда ўз ўрнига эга бўлишга ўз манфаатларини кўзлаб турли институционал тузилмалар орқали уюшишга, бирлашишга ҳаракат қилади бу табиий албатта. Бинобарин, фуқаролик жамиятининг олдида турган энг муҳим - вазифа ёш тадбиркор

⁶⁴ <https://president.uz/uz/lists/view/7076>

мулкдорларни жамиятдаги ўрта қатлам мулкдорлар таркибига қабул қилиш ва ягона куч сифатида умум манфаатлар муштараклиги асосида ҳаракат қилишини таъминлаш ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ёшлар тадбиркорлиги феномени ўрганилганда у иқтисодий ривожланиш драйвери, кичик ва ўрта бизнес тузилмаларини катта қисмини ташкил этиши, инновацион ғояларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаши таъкидланади. Тадбиркорлик фаолиятининг бундай сегменти юқори даражадаги инновацион очиклиги, нобарқарор ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитларга мослашиш лаёқати ва кўзланган мақсадларга эришиш учун юқори даражада таваккалчиликка асосланган ностандарт қарорлар қабул қилиш лаёқати билан тавсифланади.⁶⁵

Тадқиқотчилар ёшлар тадбиркорлиги муаммоларини ўрганганда уни ривожланишини секинлаштирадиган 3 гуруҳдаги муаммолар борлигини қайд этадилар:

- шахсий ёки мотивациявий;
- касбий билимлар ва тажрибанинг заифлиги;
- қонунчиликдаги муаммолар.⁶⁶

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўрта мулкдорлар қатлами давлат ва жамият барқарорлигини таъминловчи куч сифатида функциясини бажара олиши бўйича олимлар ўртасида баҳс мунозалар кетмоқда. Бу борада Патрик Бьюкенен шундай ёзади: “маданиятимиз ва давлатимизни асраб авайлаш стратегияси хусусида сўз борар экан, масалага жиддий ёндашиб, кучлар нисбатини теран таҳлил этмоқ лозим. Бунинг боиси шундаки, душман наинки Ғарбдаги ижтимоий-маданий институтлар, балки асосий корпоратив марказларни ҳам ишғол этган. Шу маънода глобаллашув ватанпарварлик туйғусига қанчалик зид бўлса трансмилий корпорация ҳам анъанага шунчалик қарама-қаршидир. Чунки ўзгарувчан вазиятга мослаша олиш, ғайрияхлоқий тамойилларга таянган корпорация ҳар қандай тизимда фаолият юритишга қодир. Корпорациянинг яқкаю-ягона худоси иқтисодий самарадорлик бўлгани боис, унинг учун ходимларнинг муайян миллат ёки давлатга садоқатли бўлишининг аҳамияти йўқ”.⁶⁷

Албатта корпорацияга садоқатли бўлган ходимлар яъни ўрта қатлам мулкдорларни давлатга ёки жамиятга ҳозирги кунда садоқатли бўлмайд қолганлиги ҳақидаги фикрлар муайян даражада баҳсли бўлиши мумкин. Бироқ глобаллашув ва оммавий ахлоқ

[65] <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnoe-predprinimatelstvo-problemy-i-puti-resheniya>

[3] Е.В.Титова., С.И.Королева., А.В.Ларченко., В.Г.Милославский

[67] Патрик Жозеф Бьюкенен. Ғарбнинг ўлими. Тошкент. Имл-зиё заковат нашриёти. 2021 й. 239-б.

экспанцияси ҳам объектив реаллик эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Бизнинг мамлакатимизда бундай муаммо юқоридаги талқинда мавжуд эмас деб айтиш мумкин. Бироқ ўрта мулкдорлар қатламида ички табақаланишнинг баъзи аломатлари зоҳир бўлаётганилигига кўз юмиб бўлмайди. Бунда жиддий табақаланиш ёш тадбиркор мулкдорлар ва ўрта авлод тадбиркор мулкдорлари ўртасида рўй бериши жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Албатта, ҳозирда бундай хавф вужудга келишини башорат қилишга асос йўқ. Бироқ, бундай ҳолатни ўз ҳолига ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди.

МДХ мамлакатларида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ташаббус кўпроқ юқоридан бўлаётганлиги, жамиятнинг алоҳида қатламлари ўз эҳтиёжларини англаб етиши ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ташаббус кўрсатиш заифлиги қайд этилади. Фуқаролик жамияти сари ҳаракат жараёни ўз-ўзича кишилар ташаббускорлигини ривожлантиради. Уларни эркинлиги, мустақиллиги даржасини оширади, бошқаларга қарамлиги даражасини заифлаштиради. Ижтимоий ҳаётда янги демократик институтларни шакллантиради. Мурасасиз зиддиятларни заифлаштиради, инсонпарварликнинг турли соҳаларини яққол бўрттиради.⁶⁸

Ёш тадбиркор мулкдорлар социумда ижтимоийлашуви лозим. У ўзини жамиятнинг бир бўлаги сифатида, таркибий қисми сифатида манфаатларни англаб етиши ва шаклланиши лозим. Бунинг учун жамиятда турли институтционал тузилмалар амал қилади. Баъзи ниститутциона тузилмалар умумий характерга эга бўлиб жамиятнинг барча қатламларини бирлаштиради (масалан, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, спорт ташкилотлари ва хоказо). Айни пайтда фуқаролик жамиятида ёшлар хусусан ёш тадбиркор мулкдорлар учун мўлжалланган махсус институционал тузилмалар бўлиши ҳам истисно этилмайди.

Ўрта мулкдорлар қатламида муайян гуруҳлар, сегментлар мавжуд бўлиши табиий чунки, ўрта қатлам мулкдорлари фаолият юритган иқтисодиёт тармоқлари бўйича сиёсий, диний маслаклари бўйича, ёши, жинси ва шу кабилар бўйича муайян қисмларга, гуруҳларга фарқланиши доимо мавжуд бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Асосийси шу фарқларни, тафовутларни чуқурлаштирмаслик, яхлит ўрта мулкдорлар қатламини манфаатлари қарама-қарши бўлган гуруҳларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик ҳисобланади. Бунинг учун ўрта қатлам мулкдорлари ичида манфаатлар, қадриятлар, маънавий ахлоқий яқинлик асосидаги уйғунлик, яхлитлик асосидаги ҳамжихатлилиқ ҳар доим барқарор мавжуд бўлиши лозим. Буни доимий равишда сақлаб туриш учун ўрта мулкдорлар қатлами статик ҳолати, динамикасини

^[68] <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezh-rossii-i-tsennosti-grazhdanskogo-obschestva>

кузатиб бориш, унга мақсадли таъсир этиш талаб этилади. Бундай мақсадли таъсир энг аввало институтционал тузилмалар орқали амалга оширилмоғи лозим. Ўрта мулкдорлар қатламига доимий равишда кириб келадиган, уни тўлдирадиган, янгилайдиган оқим - ёш тадбиркор мулкдорлар индивидуализм асосида ўз қобиғига ўзи ўралиб қолмаслиги шарт. Уларни ижтимоий майдонга чиқариш, бир-бирлари билан танишуви, ҳамкорлиги, манфаатлар уйғунлигини таъминловчи институтционал тузилмалар фуқаролик жамияти маконида мавжуд бўлиши ва фаолият юритишини ёддан чиқармаслик лозим. Бугунги кунда ёшлар сиёсатга қизиқмайди, давлат, жамият хаётига бефарқ деган иддаоларни олдини олиш талаб этилади. Сиёсий партияларни хусусан ЎзЛиДепни “Ёшлар қаноти” легитимлигини белгилаб қўйиш талаб этилади. “Ёшлар қаноти”да ёшларга хос бўлган хиссиётлар ва мантикий мушоҳадалар жўш уриши, хатто жумбушга келиши учун ижтимоий майдон, платформалар вужудга келтирилиши, доимий равишда қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқдир. Ёш тадбиркор мулкдорлар ҳуқуқлари учун ижтимоий майдонларда улар ўзаро ахборот алмашиши, муҳокамалар қилиши, ўз нуқтаи-назарини шакллантиришига имкон бериши, ўзаро мулоқот, ҳамкорлик, фикрлар эркинлиги ва хилма-хиллиги бундай ижтимоий маконларни фаолиятини ташкил этишнинг зарурий шарти сифатида қаралмоғи лозим.

Ёш тадбиркор мулкдорлар креатив мушоҳадаси, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, очик ёки ёпиқ типдаги диспут клублар, уюшмалар фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаб қўриш керак. Ёшларни қизиқтирадиган, жалб этадиган, соғлом турмуш тарзи ва пок ахлоқий кадриятларга асосланган турли ташкилий тузилмалар фаолиятидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Хозирча мулкдор тадбиркорлар элитаси, аслзода зодагонларгина кира оладиган гольф клублар, боулинг клублар, теннис клублар қўллаб, оммавий равишда ташкил этилиши ва барча учун очик бўлиши ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ёш тадбиркор мулкдорларнинг фаолият соҳаси бўйича таълим, илм-фан, спорт ва бошқа кўнгилочар тузилмаларда хомийлик, меценантлик, хайр-саховат акцияларида қатнашуви ўз-ўзича фақат шу мақсадлар доирасидаги фаолият, уюшиш сифатида кўринса ҳам, аслида бунинг замирида якунида ёш тадбиркор мулкдорлар ўртасида ўзаро ва бошқа ўрта ва кекса авлод мулкдор тадбиркорлари қатлами ўртасида бирдамлик, яхлитлик, ўзаро манфаатлар уйғунлигини англаб этиш хис туйғулари ва мантикий мушоҳадалари вужудга келади ва мустахкамланади ва бу охир оқибатда ўрта қатлам мулкдорларини давлат ва жамиятдаги барқарорликни, тинчлик, осойишталикни таъминловчи асосий куч сифатидаги мавжудлигини белгилаб беради.

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда турли-туман гуруҳлар, каналлари ташкил этилмоқда ва фаолият юритмоқда. Хар бир канал кишиларни муайян белгилари бўйича бирлаштиради ва улар ўртасида ахборот алмашиш, турли тадбирлар ташкил этиш ва шу кабилар орқали социумда муайян иштирокчи сифатида намоён бўлишига имкон беради. Ёшларни ижтимоий тармоқларда фаол эканлигини назарга олсак ижтимоий тармоқлар ҳам ёшларни ижтимоийлашув ижтимоий маконларидан бири бўлиб хисобланади.

Умуман олганда барча институционал тузилмалар ўзига хос ижтимоий макон сифатида намоён бўлади, кишилар ўртасида ижтимоий муносабатларни турли кўринишларда ташкил этиш, амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади. Фуқаролик жамияти ҳам бир вақтнинг ўзиде, ҳам ўзига хос ижтимоий макон ташкилотчиси, ҳам жамиятни олға ривожлантирувчи муайян аниқ мақсадларни кўзлаб харакат қилувчи ижтимоий куч сифатида эътироф этилади. Бинобарин, ёш тадбиркор мулкдорларни нафақат иқтисодий тизимда, балки ижтимоий тизимда ҳам фаол бўлишини таъминлаш учун фуқаролик жамияти институционал тузилмаларидан самарали фойдаланиш доимий, тизимли асосда йўлга қўйилмоғи лозим. Ана шунда ўрта мулкдорлар қатлами жамият барқарорлигини таъминловчи яхлит ижтимоий қатлам сифатида ўз функцияларини амалга ошира олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://president.uz/oz/lists/view/4461>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnoe-predprinimatelstvo-problemy-i-puti-resheniya>
3. Е.В.Титова., С.И.Королева., А.В.Ларченко., В.Г.Милославский
4. Патрик Жозеф Бьюкенен. Фарбнинг ўлими. Тошкент. Имл-зиё заковат нашриёти. 2021 й. 239-б.
5. <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezh-rossii-i-tsennosti-grazhdanskogo-obschestva>
6. Okyulov, K. (2022). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46–53. <https://inlibrary.uz/index.php/scientific-research-covid-19/article/view/8449>
7. Okyulov, K. (2020). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46-53.
8. Omonbaevich, O. K. (2014). MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS. 1000 kopii., (7), 43.

9. Omonbaevich, O. K. (2014). MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS. *Финансы*, (7), 72-73.

10. Окюлов, Х. О. (2023). ФИЛОСОФСКИЙ ПОДХОД В АНАЛИЗЕ РОЛИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА МОЛОДЕЖИ КАК ФАКТОРА РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *MASTERS*, 1(1), 220-223.

11. Окюлов, Х. О. (2023). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙЙ, СИЁСИЙ, ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ. *Scientific Impulse*, 2(16), 510-514.

12. САИДОВ, А. Х., & ОКЮЛОВ, О. О. (2022). НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ УСИЛЕНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ЗАЩИТЫ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ СУБЪЕКТОВ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *Труды по Интеллектуальной Собственности*, 41(2), 38-43.

13. Окюлов, Н. О. (2021). Ситуационные центры в системе обмена опытом на международном уровне в сфере подготовки и организации работы кадровых органов внутренних дел. *Академическая мысль*, (1 (14)), 43-46.

14. Окюлов Х. (2016). Рол и сущност нелегалных ресурсов в регулировании предпринимательской деятельности. *Обзор законодательства Узбекистана*, (1), 34–35. https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/13444